

• Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги олдида

УЛУҒ БАЙРАМ ЙЎҚЛАМАСИ

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ

— Мустақиллик йилларида нимага эришганимизни ҳеч бир бухгалтерлик ҳисоб-китоблари билан ўлчаб бўлмайди. Биз аввало ўз кучларимизга ишонганимиз бўлиб қолдик, ўз имкониятларимизга таяниб, энди қийинчиликларни бошқаларнинг зиммасига юклармаёмиз. Утган уч йил мобайнида Оҳангаронимиз янада гўзалроқ бўлиб қолди. Шаҳарни ободонлаштириш, аҳоли учун қулай яшаш шароити яратиш биринчи планга чиқди, — деб суҳбатни бошлади шаҳар ҳокими Александр Маҳаматшукурович РАСУЛОВ. — Шундан сўнг суҳбатдошнинг шаҳар иқтисодий тарққотишга хос бўлган муайян мисолларни келтирди.

— Ислоҳотга киришар эканмиз, — деб таъкидлади А. Расулов, — биз учун муҳим нарсанима эканлигини англаб етдик. Бу эскирган мазмурий-бўйруқбозлик усуллари билан энди раҳбарлик қилиб бўлмаслиги эди. Янги маҳсулотларни ўзлаштириш, истеъмолчилар манфаатлари, фойда қўриш тўғрисида қайта ўрганиш корхоналар моддий, маънавий омилларга эриша бошладилар.

Маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш борасида кейинги уч йил ичида нима ишлар қилинди? «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси иссиқлик ўтказмайдиган янги материал, қумли-цементли черепина ишлаб чиқара бошладилар. «Оҳангаронцемент» акционерлик корхонаси эҳтиж катта бўлган ясси шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Қурилиш пластмасса комбинати уй-рўзгор моллари

ердам бераётганими? — Ҳақиқатан ҳам шундай. Оҳангаронда 42 та кичик корхона, 15та кооператив, 12 та бошқа хил корхона бор. Шу йилнинг ярим йили мобайнида улар 1,3 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқардилар. Кичик корхоналар, кооперативлар ва хусусий фирмалар, энгил автомобиллар учун олд ойналардан тортиб тикуччилик буюмларигача бўлган 50 хилдан орტიқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Шаҳарда 10 та акционерлик жамияти ва 30 та хусусий тадбиркорлик фирмалари вужудга келган. Улар пулли, савдо-воситачилик, машиини ва бошқа хил хизматлар кўрсатмоқдалар.

— Иқтисодиётни ривожлантириш бошқариш жараёни билан қийиндан боғланганми? — Бозор иқтисодиёти ўз-ўзиндан бизнинг ишларимизни яхшилаб юборди, деб ўйлаш соддаликдир. Ҳокимлик ҳузурида директорларнинг Шаҳар Кенгаши раҳбарлиги билан ўнда биз барча ҳаётий масалаларни ҳал қиламиз. «Қурилишпластмасса» комбинати раҳбари Л. Пяк, «Оҳангаронцемент» бирлашмаси раҳбари И. Исқандаров, «Оҳангаронцементирбетон» корхонаси раҳбари Л.Литай ва бошқа кишиларнинг ташаббуси туғайли Кенгаш муваффақиятли иш олиб бормоқда, иқтисодий самардорлиқни таъминлаётди.

Корхоналарнинг ердими туғайли кейинги уч йил мобайнида биз ижтимоий таъдиримизнинг муҳим баъдларини амалга ошира олдик. Беш минг ўринлик стадион қурилди, болалар мусиқа мактаби фойдаланишга топширилди, ероч савдо қиладиган база ва бошқа

объектлар ишга туширилди. Булар республика мустақиллигининг бир йиллигига бизнинг меҳнат соғавларимиз бўлган эди. Иккинчи йилликка биз импорт ускуналари бўлган «Иссик нон» цехини фойдаланишга топширдик, афғончи жангчиларга бағишланган мемориални очдик. Мустақиллигининг уч йиллигига марказий майдонни тавмирляганимиз. Бу майдон янги, кўркам тус олади. Янги шаҳар жойноҳаси очамиз, болалар сўт ошхонасини фойдаланишга топшираемиз.

Байрам арафасида шаҳар бутунлай газлаштирилиб бўлди. Охириги 40 та хонадон ҳам зангори олов истеъмол қиладиган бўлади. Уч йил мобайнида жами 28 километр кўча газлаштирилди, 16 километра асфальт етказилди, 12 километрга сув қувурлари тортилди.

— Бошқарув масалаларида ҳозирги вақтда қандай муаммолар олдинда турибди? — 1991 йилдан 1994 йилгача Оҳангарондаги 40 дан ортиқ корхона тўла компьютерлаштирилиб, ҳозир ҳокимлик ягона компьютер тармоғини ташкил этиш масаласини ҳал қилаётди. Бу тармоқ барча корхоналар, банклар, солиқ инспекцияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳокимлик бўлимларини ягона занжир билан боғлаган бўлур эди.

Бундай қадимнинг иқтисодий мақсадаги мувофиқлиги раванқидир. Корхоналар бир ой давомда ўртача 60 варақ атрофида маълумотларни Истиқболстатга тақдим қилишлари керак. Базан арзимас қорозлар деб автотранспортни кунига 2-3 марта овера қилишга тўғри келади. Компьютер

КўП МИНГ йиллик тарихга эга бўлган юртимиз ободончилик, бунёдкорлик борасида ҳам ажойиб анъаналарга бой. Хусусан, саранжом-сарилталик, озодагарчиликка риоя қилиш ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келатган энг яхши одатларимиздан бўлиш билан бирга саломатлигимизни гарови ҳамдир.

Ана шундай удумларимизни давом эттириш, вилоятимиздаги экологик муаммолар туғайли вужудга келган эпидемиологик вазиятнинг олдини олиш, ободончилик ишларини янада кенг қўламда олиб бориш, атроф муҳитни покчилаш, қўқаламзор масканлар барпо этиш йўлида халқро «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими ҳам бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда. Айниқса, жамғарма Олмалик, Оҳангарон, Пискент худудларида содир бўлаётган экологик вазиятларни юмшатиш, саноят ва рўзгор чиқиндиларини зарарсизлантириш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш, наслимиз тақдир учун қайғуриш каби ишлардан четда турмай «Тоза сув», «Тоза ҳаво» ҳамда «Экология ва саломатлик» дастурлари асосида иш олиб бормоқда.

Яқинда жамғарманинг бўлимларини ва бошқалиқ ташкилотларини яна бир хайрли ташаббус билан чиқишди. Мустақиллигимизнинг уч йиллигини муносиб қутиб олиш мақсадида вилоят шаҳар ва туманларида экология кунлари ва шанбаликлар ўтказишга қарор қилинди.

Айни кунларда вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманларида ушбу тадбир қатъий жадвал асосида бошлаб юборилди. Бундай хайрли ишларга шаҳар ва туман ҳокимлари бош-қош бўлмоқдалар. Яқиний маълумотлар экология кунлари ва шанбаликлар ўтказиш ишчи гуруҳи ҳайъатида тақдим этилади. Шанбаликлардан тушган маблағ вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашдек савобли иш учун сарфланади.

З. ЖУРАЕВА

ЮҚОРИЧИРЧИК

Моддий неъматларни қўлайлаштириш билан бирга, кишилар маънавиятини камол топтиришни уйғун ҳолда олиб бориш мустақиллик йилларида туман ҳокимлигининг бош мақсади бўлиб қолди. Жамоа ҳўжаликлари, саноят корхоналари, қурилишларда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий турмуш шароитини яхшилашга қаратилган аниқ дастур асосида фаоллик юргизиш, қайси жойда ишлашдан қатъий назар, ҳар бир ходимнинг, ишчи-хизматчининг муҳим бурчи деб белгиланди. — деди «Тошкент ҳақиқати» муҳбири билан мулоқотда туман ҳокими Мирзахўжа ҚАДҚУЛОВ. — Бундай фаолият юргизиш учун қайси соҳада бўлмасин, истиқлол роясини янгилаш ишлаш, янгилаш фикрлашга тақозо этади. Биз шундай иш услубини топдик. Ҳар ҳафтанинг маълум бир кунда ўтказиладиган «Очиқ мулоқотлар кунини» да аҳолига Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорларининг моҳиятини кенг тушунириш йўлига қўйилди. Меҳнаткашлар дилидаги гапларни тинглаб, иложи борича муаммоларни жойида ҳал этиш яхши самаралар бера бошладилар. Бундай учрашуларда ҳокимлик бўлимлари, мутахассислари қатор ташкилотларнинг масъул ходимларининг тўлиқ қатнашуви етилган масалалар хусусида юзма-юз гаплашиб олишга

6894 тонна сут тайерланган бўлса, шу йилнинг мазкур вақти мобайнида 1166 тонна гўшт, 7046 тонна сут тайерланди. Деҳқончилик ва чорвачилик ишларини талаб даражасида йўлга қўйишда ташаббускорлик кўрсатилган «Политотдел», «Ўзбекистон», «Соҳибкор», «Гулистон», Аҳмад Яссавий номи жамоа ҳўжаликлари ободончилик, ижтимоий ривожланиш борасида анчалгина ютуқларга эришдилар. Туманда икки ярим йил ичида 23 километрга сув, 167,5 километрга газ тармоқлари тортиб борилишида ана шу ҳўжаликларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бугунги кунда бу ерда 4100 дан ортиқ хонадон «зангори олов» дан баҳраманд.

Худди ана шундай қулайликлар, иқтисодий ислоҳотлар туғайли тумандаги тажриба-механика, каноп заводларида, пахта-момик фабрикасида иш унуми орди. Корхоналар давр талабига мувофиқ ўз услубларини қайта қуришга киришдилар. Бу истиқлол берган самара туғайлидир.

Мустақиллик шарофати билан туманда янги-янги ишчи жойлари барпо қилинмоқда. Қўшма ва кичик корхоналар сон ортиб бормоқда. Фермерлик ҳаракати кучаймоқда. Ҳозирги пайтда туманда 942 гектар ер майдонига эга бўлган 153 нафар фермер фаолият кўрсатаётди. Улар 1993 йилга нисбатан қорамоллар бош сонини 579 тага, ситилар сонини 188 тага, қўй ва эчкилар сонини 296 тага қўпайтирдилар. Кичик корхоналарда халқ

Туманинг «Политотдел» футбол командаси, шу номидаги чим устеда хоккейчилар командасига ўзбек, рус, қирғиз, қоз, татар... бирдек чин дилдан иштироқлик қилаверади.

Президентимиз кўп марта таъкидлаганларидек, ҳаётимиз мазмуни барча миллатларнинг тинчлиги - тотувлигида, турмушимизнинг барқарорлигида бўлиб қолмоқда. Шу боис бу дустликни мустақамлаш, эъозлашга алоҳида эътибор берилляпти. Зероки, мақсад йўлидаги бирдамлик, бегараз дустлик эса меҳнатдаги унум, юқори самара, турмушдаги роҳат ва ҳаловатдир.

Туман ташкилий қўмитасининг байрамга ҳозирлик бўйича белгиланган тадбирларида ҳам дустлик, биродарлик мавзусига кенг ўрин берилган. Хусусан барча маданий марказлар, мактаблар фаоллигида август ойда ўтадиган «Гулла, яшна, жон Ўзбекистоним!», «Моҳир кўллар кўрғазмаси», «Яхши оила — маҳалла кўрки» кўрик танловлари, деҳқончилик сановити ходимлари туман спартакиадаси, футбол байрами, туман ҳокими қўбоғи учун бокс бўйича спорт мусобақаси, меҳнаткашлар ҳаётига бағишланган «Энг гўзал кўшиқ танлови» ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

Хуллас, туманда мустақиллигимиз кунининг 3 йиллигига пухта ҳозирлик билан бориламоқда.

Юқори-чирикликларнинг меҳнатдаги маданий ҳаётидаги муваффақиятлари бунинг еркин далилидир.

МАҲМАДАЛИ акани жуда мудираси Е. И. Калинин, ҳамшира Н. М. Анисимова, болалар касалликлари бўйича бош шифокор ўринбосари Г. В. Ваҳобова, болалар касалликлари бўлими мудир Б. Н. Расулов шулар жумласидандир.

Шу нарсани таъкидлаш лозимки, шифохона жамоаси вилоятдаги 8ш авлодни соғломлаштиришга муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Касалхонанинг болалар бўлимида бир вақтинг ўзида 160 бола даволанмоқда.

Касалхонада беморлар учун ҳамма шарт-шароит яратилган. Касалхона худуди ям-яшил богга айлантирилган. Унда айланиб юриб, баҳри-дилингиз очилади. Яшнаб турган турли хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари дилингизда завқ уйғотади.

Тошкент вилоят ҳокимлиги касалхонани янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, унинг моддий-техника базасини мустақамлашга ажиндан гамхўрлик қилмоқда. Ҳокимлик 1994 йилда 100 минг АҚШ доллари ажратди ва унга гастроэндоскопик ускуна, фонокардиограф ва бошқа асбоблар сотиб олинди. Касалхонани янги тиббий асбоблар билан қайта жиҳозлаш даволашининг янги усуллари қўллашга имконият яратди.

Н. ҚАРШИБОВ, Куйичирчик тумани меҳнат ва уруш фахрийлари Кенгаши раиси.

ЁШЛАР ОҚШОМИ

Шаҳримиздаги Мирзо Бобур номи маданият ва истироҳат богида «Ёшлар оқшоми» бўлиб ўтди. Яққасарой туман маданият ишлари бўлими томонидан уюштирилган мазкур тадбирда туман маданият уларига фаолият кўрсатган бир гуруҳ балдий хаваскорлик дасталари ўзларининг ранг-баранг дастурлари билан оқшомга тўпланганларни хушнуд этдилар. Баҳодир Ҳакимов раҳбарлигидаги «Карнай-сурнай» дастасининг тантанавор мусиқа садолари остида боланган сайида Абдулла Авлоний номидаги маданият унингнинг «Чимд», Аҳмад Эшмуродов раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолгу асбоблари дастаси, Татьяна Кашерникова раҳбарлигидаги болалар ракс дастаси, Михаил Кулишев раҳбарлигидаги «Гармония» вокал-чолгу дастаси ва бошқа бир неча ижодий жамоалар кизикarli концерт томошалари билан ёшларга хушвақтлик ҳаля этдилар. Шаҳримиздаги олийгоҳларнинг бир гуруҳ мураббийлари, Ўзбекистон езувчилар уюшмасининг бир гуруҳ ижодкорлари бугунги кунда ёшлар олдига турган вазифалар, келажаги буюк мамлакатимизнинг муносиб ворислари бўлиб етишишларида нимага аҳамият бериш лозимлиги ҳақида ёшларга мурожаат қилдилар. Ёшлар ҳам истиқлолга юз тутган Ватан учун қўлларидан келган барча ишларни қилишга шай эканликларини изҳор этдилар.


Сайил ёшларнинг ракс-бали билан яқунланди. Эстрада дасталарининг шўх-шодон куй ва кўшиқларига шу оқшом ёшлар мириқиб ракс тушдилар.

С. САЛОҲИДИНОВ.

ҚУТЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАНДИ

КУНИ кеча пойтахтимиздаги муҳташам Санъат саройида Республика байналмилал маданият маркази ташаббуси билан Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига

бағишланган Озарбайжон ва Турк маданият марказларининг катта байрам оқшоми бўлди. Ўзбекистон халқлари ижодиети туркуми доирасидаги ушбу оқшомда «Севинч» ва «Гардашик» каби дасталар, Озарбайжон ва турк ҳофизлари ўз дастурларидаги энг сара куй-қўшиқларни ижро этдилар. Сурагларда: байрам оқшомидан олдинган лавҳалар Даврон АҲМАД олган сураглар.





Маданий ҳаёт

ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Бу йил оила йили деб эълон қилинганлиги маъноси билан маданият масканларида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Уртамак тумани Охунбова номи қишлоқ маданият уюшмаси томонидан тайёрланган "Ҳаёт оиладан бошланади" деб номланган адабий мусобақа...

АЖИБ НАВОЛАР

Уртамак тумани марказий маданият уюшмаси томонидан тайёрланган "Ажиб наволар" деб номланган классик куй ва ашуларнинг дастури шавқандош томонидан катта кизмиш билан кутуб олиниди...

С. СИРОЖИДИНОВ

ОМАДЛАР ОТ ЧОПСИН

Биз, ҳаммаси, бундан ўн-ўн беш кунлар олдин бир неча олий ўқув юрдуларида бўлганимизда, талабаларика давтар бир неча ешларини мухтасар суҳбатга чоладик...

соқинлигини топгани каби. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Кунни кеча Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини ҳовлиси аввалги кунларга қараганда юз чандон файли ва гавжум - ҳаяжон туйғулариға бой бўлди...

ҳамда дефектология мутахассислигида кизикувчилар сони ҳам анча ортганини кўрсатди. Ҳўш, институтда абитуриент, яъни бўлгуси талабалар ўртасида тест синовлариға ўзига хос тайёргарлик тадбирлари қандай ташкил этилди? Шунга айтиш мумкинки, олийгоҳда бу борада анчагина тажриба тўплаган...

Яширишини ҳожаги йўқ - давраларда "Ешлар ўқшга қизикмай қўйди..." деган гапни сўнги пайларда кўп эшитамиз. Бу гапда анчайин жоғ бор. Негаки, бугунги мўраққаб - бозор иқтисодиётининг даврида кўпчилик ўзини бозорга уриб кетган...

Норсаид Оқдинов, яъни масъул котибининг айтишича институтнинг сиртки бўлимиға хужжат тоширишлари ҳамда 50 йилдан ортиқроқ биргалликда турмуш кечирган ва кеҳираётган табаруҳ отахонлар ва мўтабар онахонларни сайлга тақлиф этиш...

Абдулла ТУРДИЕВ. Суратларда: Низомий давлат педагогика институтида ҳажжонли лавзалардан лавжалар. Даврон АХМАД олган суратлар.

Мустақилликнинг уч йиллиги олдиндан ЧИРЧИҚДА ЕШЛАР САЙЛИ ОНА ДИЕРИМИЗ - мустақил Ўзбекистон катта ва кутулғу шодана арафасида турибди. Юртининг ақин кунларда ўз мустақиллигининг уч йиллигини кенг нишонлайди. Санокли кунлардан сўн ўтказилмаган бу тантана нафаси ҳозирданок сезилмоқда...

ХАЁТДА шундай камтар, хокисор, меҳнатсев одамлар бўладикки, улар қаерда, қайси корхона ва ташкилотда хизмат қилмасинлар оддийликни, самимийликни ўзларига мезон қилиб оладилар. Ҳамма билан тил топишиб, қовушиб, жамоанинг ўз кеҳирини айланиб кетадилар...

Бор бўлсин, яхшилар! ҳизматчи бўлиб кирди. Бу ерда у тракторчи йигит Шавкатга кўнгли кўйди. Улар бир-бирлари билан жуда инोक, аҳил бўлиб ҳаёт кечира бошладилар...

Усулова. - У ўз касбига шумчалар меҳр қўйгани, ти-нисиз малакасини ошириб боришга ҳаракат қилади. Яқинда тиббиёт ходимларининг билим савияларини аниқлаб кўриш жамоаси Саидхожага биринчи даражали шифокор-ҳамшира уновнини берди...

УМРИДАН БАРАКА ТОПГАН АЁЛ бўлди. Султония уч киз, бир ўгли билан бева қолди. Илож қанча, у иродасини қўлга олди. Бутун умрини нури-динчаларига бахшида қилди. Емай едирди, ичмай ичдири...

Жиноят ва жазо ХИМОЯЧИДАН ХИМОЯ Ўтган ойда Тошкент шаҳар Чилонзор ва Сирғали туманлари ҳуқуқий маслаҳатхоналарининг икки адвокати мижозларини алдагани ва таъминотлигига учун қамоққа олинди. Улар маслаҳат сўраб келган фуқароларни алдаб, пулини олаётганда ашвий далил билан қўлга тушди...

Таъририятга ҳат ВАЪДАНИНГ ОХИРИ БОРМИ?

Хурматли таъририят! Кейинги пайларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатишда анча қийинчиликлар вужудга келётганини кўпчиликка маълум. Буни мутасади ташкилотлар собиқ иттифоқ республикалар ўртасида икхтисодий алоқаларнинг бўзилишиға боғлашга оdatланишган...

Бунинг устига Қозғистон билан чегарадош бўлганлигимиз учун меҳмондор ҳам кўп бўлади. Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Дехсон, чорваларларимиз ўзлари етиширган махсулотларни бозорға олиб бориб сотишда транспорт тўйайди катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар...

М. Жўрасев, "Туркистон" жамоа хўжалиги раисининг муювини. Т. Тўрабеков, қасаба уюшмаси раиси. Маҳалла оқсоқоли ва меҳнат фахрийлари: С. Сатторов, Х. Хонимов, А. Утаев, М. Нурматов ва бошқалар.

БўЗСУВДА ТАШКИЛ ҚИЛИНМОҚДА Ҳозирги вақтда жиноятчиликка қарши курашни ўзига хос мураккабликлар мавжуд бўлиб, давр тақозосига қараб янгича усул ва етарлишга тўғри келади. Жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, содир бўлган жиноятларни ўз вақтида очиш ишларини ташкил этиш, халқнинг ҳар бир фикрини эътиборга олиб, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини ўз вақтида олиб, унга қонуний чора кўриш учун янгича ендошчилар қилиш кераклигини ҳаёт кўрсатиб турибди...

МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ "Тошкент ҳақиқати" таъририят қошида ташкил этилган жамоатчилик кенгаши 3 август, бугун соат 15.00 дан 17.00 гача мулоқот ўтказадик. Мулоқотни вилоят хокимлиги давлат ҳуқуқи бўлими мудири Сайёра Ҳўжаева ва вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи милиция подполковниги Олимжон Жалиловлар олиб борадилар...

ЭЪЛОН Тошкент шаҳар 74-мактаб томонидан Александр Юрьевич БАЛАКШИН номига 1987 йилда берилган 312493 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Advertisement for 'Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги'. Includes phone numbers, address, and contact information. Text: Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги. 700000, Тошкент, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОН: хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 334-048. Рухбатдан ўтиш тартиби № 8. Буюртма Г-893. 20970 нуҳсада босилди, ҳажми - 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қозғос битчиси А-2. • Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади. • Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдилар. • Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайд.